



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



Йўловчига етказилган зарар қопланиши кафолатланмоқда

Йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки хавфсизлиги учун ташиш хизматини кўрсатаётган корхона-ташкilot жавобгар. Йўловчи манзилига етмасдан хизмат кўрсатувчининг айби ёки эҳтиётсизлиги сабабли зарар кўрса, унинг ўрнини қоплаш хизмат кўрсатувчининг зиммасида бўлади. Бу тартиб адолатли ва ҳуқуқ меъёрларига ҳар томонлама мосдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқаётганда шунга алоҳида эътибор қаратди. ЎзХДП фракцияси олдинги йиғилишида қонун лойиҳасининг аҳамиятини ҳисобга олиб, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилишини маъқуллаган эди. Депутатлар бу галги йиғилишида қонун лойиҳасининг умумий хусусиятларини муҳокамадан ўтказди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилгани, юк ёки багаж йўқолгани, кам чиққани ва уларга зиён етказилгани (бузилгани) учун ташувчи жавобгар бўлади. Қонун лойиҳаси ана шу таъминот янада тўлиқ амалга оширилиши назарда тутилди.

2



ОЗОД ВА ОБОД ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Ватанимиз тарихига мангу муҳрланган воқеалар жуда кўп. Ўзбекистоннинг Мустақилликка эришиши улар ичида энг буюк воқеадир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топанга йиғирма уч йил тўлмоқда. Бу йиллар халқимизнинг озод ва обод Ватан, янги давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўли бўлиб тарихда қолади.



Абдуғаффор ҚИРГИЗБОЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

КИМ ЭДИГУ, КИМ БУЛДИК?

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили халқимиз фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳияти, беқиёс ютуқлари тантанаси сифатида байрам қилиб келинмоқда. Энг улуг ва энг азиз айёмнинг 23 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги қарорда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу шиор илгари сурилди. Агар ўйлаб кўрсак, дунёнинг кўплаб давлатларида сиёсий парокандалик, ижтимоий беқарорлик авж олиб бораётган, ўта нотинч ҳозирги замонда Ватанин севмиш, унга садоқат кўрсатиш нақадар муҳимлигини англаймиз.

Истиқлолнинг ўтган йиғирма уч йили ўзлимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигини чуқур англаган, бунёдкор ва яратувчи халқ сифатида улкан салоҳиятимиз намоён қилинган муҳим тарихий давр бўлди.

Ҳаётнинг қайси бир жабҳасини олмайдик, ўзгартиш ва ютуқлар яққол кўзга ташланади. Биргина мисол, узок кўзлаб олиб борилган сиёсат туйғайли юртимизда автомобилсозлик саноати йўлга қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон автомобилларини қатор хорижий мамлакатлар кўчаларида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимиз ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Юртимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шариоит яратадиган, халқаро транспорт йўлақлари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси яратилди. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари — аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди. Янги ҳаво йўллари, темир йўллар очилди...

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган улкан ҳажмли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари изчил давом этмоқда. Ҳозир олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида юртимизнинг қиёфаси ўзгариб бораётганидан кўз қувонади, дил яйрайди.

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги индексини эълон қилган «The World Justice Project» мустақил халқаро ташкilotининг йиллик маърузасида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олгани ҳақида маълум қилинди.

Халқаро экспертлар 99 мамлакатдаги тартиб ва хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон ҳақида шундай хулосага келган.

Жаҳондаги ҳар бир мамлакатнинг ўз чиройи ва таровати, ўзига хос жозибаси бор. Ана шу юртлар ичида бетакрор Ўзбекистон бор. Зуваламиз шу муқаддас диёр сувига қорилган. Бизнинг тақдиримиз ҳам, бахтимиз ҳам мана шунда!

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

— Бугун тарбиячи опангдан нимани ўргандинг? Қанақа ўйинларни ўйнадинг? Қандай овқат единг!.. Фарзандини боғчадан олиб қайтаётган ҳар бир ота-она унга шу каби саволлар беради. Бола кун бўйи банд бўлган машғулоти ҳақида бийрон тили билан тўлиб-тошиб гапирди. У хурсанд, сизнинг ҳам кўнглингиз хотиржам. Эртаси куни фарзандингиз яна кадрдон маскани — боғчага ошиқади...

Сессиялар қарорлари ижро этилиши шарт

Бугун мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб улғайиши, ўқиб-ўрганишга қизиқишини ўстириш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, боғча кўрган бола билан боғчага бормаган боланинг фарқи катта бўлади. Шунинг учун мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, замонавий мезонлар асосида ривожлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш, шариоитини яхшилаш, зарур воситалар билан таъминлаш масалаларига давлат бюджетидан керакли маблағ ажратилапти. Бу бежиз эмас, ал-

батта. Мактабгача таълим эртага фарзандимизнинг ким бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга.

Бугун мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати қандай? Болаларнинг мактабгача таълим-тарбиясини самарали йўлга қўйиш, боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича жойларда қандай ишлар олиб борилмоқда?

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, яқинда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб борди.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда

ижтимоий шерикликнинг ўрни

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Жиззах вилояти Зомин туманида «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доирасида амалий семинар ҳамда меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Жиззах вилоят партия кенгаши фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Пенсия жамғармаси вилоят бўлими ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари иштирок этди.

— Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги

нуфузини янада ошириш, давлат ва жамоат ишларида фаол иштирокига эришиш мақсадида «Фаол аёллар» қаноти томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Гулшан Асатова. — Корхона ва ташкilotлардаги бўш иш ўринлари ўрганилмоқда, касаначилик меҳнатини ташкил этиш имкониятига эга корхоналар ва касаначилик меҳнати билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизлар ўртасида меҳнат шартномалари тузилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: Бошланғич ташкilot — асосий таянч

Етакчининг маҳорати ва салоҳияти

қуйи бўғинни фаолликка ундайди

Партия сиёсий куч сифатида қачон ўзини тўлиқ намойён этади? Қачонки жамиятдаги муаммоларни ўрганса, уларга ечим топса, одамларнинг оғирини енгил қилишда фаол иштирок этса... Бошланғич партия ташкilotлари эса бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Сергели туманида ЎзХДПнинг 91 та бошланғич ташкilotи фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар 3465 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Жорий йилнинг шу даврига қадар яна 5

та бошланғич ташкilot тузилиб, партия аъзолари 120 нафарга кўпайди.

— Партиянинг асосий таянчи бошланғич ташкilot, — дейди туман партия кенгаши раиси Шоира Ходжаева. — Жойларда унинг фаолияти етарли бўлмаса, партия жамоатчилиқдан узилиб қолади. Шунинг учун биз қуйи ташкilotлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш чораларини кўраёмиз. Айниқса, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини юксалтиришга ҳаракат қилаёмиз. Ҳар ой-

нинг охириги шанба куни партия-миз тизимида «Бошланғич ташкilotлар кунини» деб эълон қилинган қуйи бўғинлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлапти. Мазкур йўналишдаги тадбирларимизда аъзоларга ўқув қўлланмалар тарқатилади, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган суҳбатлар ташкил этилади. Шунингдек, тадбирларда иборатли тажрибаларни омма-лаштириш, сусткашликка йўл қўётган қуйи бўғинлар ишини тўғри ташкил этиш бўйича так-лиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш ҳам бурч, ҳам масъулиятдир



САВОЛ

«Уч яшар ўғлимни тиш дўхтирига олиб бордим. Тиши емирилайтгани учун кумуш кукуни суриш керак, дейишди. Лекин у пуллик экан. Болаларга тиббий хизматнинг қайсилари текин? Бизнинг ҳолатимиз бўйича ҳақ тўлашда бирор имтиёз мавжудми?»

Қамола Мирзаева, Сирдарё вилояти.

ЖАВОБ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш профилактика ёрдамини ташкиллагани бош бошқармаси бошлиғи Дониёр Миразимов:

— Сизга шуни маълум қиламизки, Соғлиқни сақлаш тизимидаги болалар стоматология поликлиникаларида болаларга барча стоматологик тиббий хизмат турлари бепул амалга оширилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқ таълими вазирининг болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинишининг ҳолати ва истиқболлари бўйича ахбороти эшитилди.

Газетамизнинг келгуси сонида мазкур парламент эшитуви натижалари ҳақида ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ёритилиши мўлжалланган.





Йўловчига етказилган зарар қопланиши кафолатланмоқда

Хозирда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш кафолати мустахкам эмас. Қонун лойиҳаси бу борадаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Яъни, қонун қабул қилинса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда транспорт воситаларининг барча турларида ташини амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига етказилган зарар қопланиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланади.

— Бугунги кунда йўловчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар бўйича сугурта ҳимояси «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий сугуртаси тўғрисида»ги қонун билан амалга оширилмоқда. — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов**. — Лекин таҳлиллар бу қонун замон талабига жавоб бермаётганини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби халқаро тажрибада йўловчининг эмас, ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта қилинади.

Фракция аъзоларининг фикрига кўра, қонун лойиҳаси йўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ташувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ЎзХДП дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан мос келади.

Қонун лойиҳасида йўловчининг, жабрланувчининг ҳуқуқлари белгиланапти. Унга кўра, йўловчининг ташувчидан мажбурий сугурта шартномаси шартлар ҳақидаги ҳамда сугурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш ҳуқуқи кафолатланапти. Жабрланган йўловчи, шунингдек, ташувчига ёзма шаклдаги талаб билан мурожаат қилиш, сугурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлапти.

Ташувчининг мажбурий сугурта шартномасини тузиш учун сугурталовчини танлаш, сугурталовчидан мажбурий сугурта шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқлари белгиланапти.

Қонун лойиҳасида ташувчининг мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, ташувчи мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурта муқофотини тулаши, ҳайдовчиларни мажбурий сугурта шартномаси шартлари билан таништириши, мажкур шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, ташиш кунда амалда бўлган мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисининг ўзи томонидан тасдиқланган нусхасини фойдаланаётган барча транспорт воситаларига ва ўзининг расмий веб сайтига жойлаштириши мажбурий ҳисобланапти.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида кўзда тутилган меъёрлар янги иш ўринлари яратилишига, сугурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланишига, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига имкон беришини алоҳида таъкидлади.

Шуларни ҳисобга олиб, фракция «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлади.

Тўлқин Тўрахонов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сессиялар қарорлари

ижро этилиши шарт

Бухоро шаҳрида бугунги кунда 78 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 9866 нафар бола тарбияланмоқда. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоларининг айтишича, ўтган йили Бухоро шаҳридаги 45 та мактабгача таълим муассасасини таъмирлаш учун 1977,1 миллион сўм маблағ ажратилган. Бу маблағ эвазига 16 та мактабгача таълим муассасасида таъмирлаш ишлари олиб борилган. 21 та боғчанинг иссиқлик тизими, совуқ сув қувурлари ва канализация тармоқлари таъмирланган.

Жорий йилда бу маблағ 2 миллиард сўмдан ошиши режалаштирилган. Вилоят ҳокимилик дастури асосида шаҳардаги 28, 58, 65, 69 ва 72-мактабгача таълим муассасаларининг биноларини таъмирлаш учун 306 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Умуман, болалар боғчаларининг шароитини янада яхшилаш масаласи ҳар доим кун тартибда.

Робия Қазимова,
халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:
«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, мактабгача таълим муассасаси бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириши керак.

Партиямиз гуруҳи назорат-таҳлил пайтида бу каби қонуний меъёрларнинг бажарилишига жиддий эътибор қаратди. Мактабгача таълим муассасаларида овқатланиш санитария меъёрларида белгиланган бўлиши керак. Лекин шаҳримиздаги 29, 7, 71, 51, 87-мактабгача таълим муассасаларида таомнома белгиланган

тартибда тузилмагани, маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаслиги маълум бўлган. Мисол учун, 7-мактабгача таълим муассасасида айрим зарур маҳсулотлар вақтида олинмаган.

Қахрамон Қаримов,
халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:
— Боғчада болаларнинг соғлиғига мактабгача таълим муассасаси, шунингдек, унга бириктирилган тиббиёт ходимлари масъулдир. Бироқ фаолият ўрганилган мактабгача таълим муассасаларининг айримларида ҳамширалар ўз ишига масъулиятсизлик билан қараётгани маълум бўлди. Масалан, шаҳардаги 7-мактабгача таълим муассасасига бириктирилган ҳамшира ўз вазифасини юзаси бажариб келаётгани аниқланган.

Ўрганиш вақтида, шунингдек, айрим боғчаларда кадрлар қўнимсизлиги, мудирларнинг масъулиятсизлиги, молия ва ҳўжалик ишларининг тартибсизлиги билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кузатилган эди.

Депутатлар ўрганиши, натижаларини дастлаб партия гуруҳи йиғилишида атрофлича муҳокама этишди. Мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти, юзаси келган хато ва камчиликларни бартараф этиш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзХДП гуруҳи шундан сўнг масалани халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясига қиритишга қарор қилди. Доимий комиссия йиғилишида ҳам мавжуд вазият атрофлича қўрилган, бу масала халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши сессиясида олиб чиқилди.

Сессияда мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан



боғлиқ факт ва рақамлар чуқур таҳлил қилинди. Депутатлар, мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳулоса ва фикр-мулоҳазалари тинланди. Шу асосда сессия тегишли қарор қабул қилди. Унда хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгиланди.

Эътиборли томони, ўтган йили мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ масала халқ депутатлари Жондор, Шофиркон ва Пешкув тўғрисидаги сессияларида ҳам муҳокама қилинган эди. Уларда қабул қилинган қарорлар ижроси жорий йилнинг март-апрель ойларида ЎзХДП гуруҳлари ташаббуси билан яна бир бор тегишли сессияларда кўриб чиқилди. Депутатларнинг таъкидлашича, мутасадди идоралар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари қарорларида кўрсатиб ўтилган масалаларга жиддий масъулият билан қарамолар. Натижада айрим муаммолар очиқ қолиб кетаверган.

Бунинг сабабларини аниқлаш, вилоятдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятида кузатилаётган камчилик-

ларни тизимли ҳал қилиш чорасини кўриш мақсадида ниҳоят масала халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида ҳам кўриб чиқилди.

— Бугунги кунда вилоятда 345 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юрятапти, — дейди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Саида Жўраева**. — Бу муассасаларда тарбияланаётган болалар учун зарур шароит яратиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича муҳим ишлар олиб борилапти. Аммо, афсуски, айрим боғчаларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Бу масала аввал ҳам халқ депутатлари вилоят Кенгашида икки марта муҳокама қилинган эди. Қабул қилинган қарорлар вилоят Халқ таълими бошқармасига юборилган бўлсада, уларнинг ижросига етарли эътибор қаратилмаган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида ана шу камчиликлар муҳокама этилди. Мутасадди ташкилотларга муҳим вазифалар юклатилди.

Хозирда уларни бажариш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилапти. Қарор ижроси бўйича депутатлик назорати ўрнатилди.

Шу ўринда айтиш керакки, мазкур масалани ўрганиш, сессиялар муҳокамасига олиб чиқиб муҳокама қилишдан мақсад кимнидир айбдор қилиб кўрсатиш эмас, балки муаммага тегишли идоралар эътиборини қаратиш ва уни ҳал этиш йўллариини излашдан иборат. Бирон ҳудудда маълум соҳада муаммо юзаси келса, бундан одамлар зиён кўрса, бунинг масъулияти биринчилардан бўлиб ўша ҳудуд аҳолиси ишонч билдирган депутатлар зиммасига тушади. Шундай экан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларининг тавсиялари, чиқарган ҳулосалари билан Ҳисобчилик лозим. Яқинда Президентимиз ташаббуси билан Конституциямизга қиритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам шуни тақозо қилади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Етакчининг маҳорати ва салоҳияти куйи бўғинни фаолликка ундайди

Алоҳида қайд этиш керакки, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар тарғиботи, электротар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечими бўйича таклифлар билдиришда туман Солиқ инспекциясидаги бошланғич ташкилот бошқаларга ўрناк бўлмоқда. Бу ерда партиянинг 25 нафар аъзоси бор. Улар шаҳар ва туман партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирларда, жамоат ишларида фаол иштирок этади.

Бошланғич ташкилот етакчиси Мафтуна Пирматованин қайд этишча, куйи бўғинда мунтазам равиш-

да сиёсий ўқув машғулотлари ўтказилиб келинади. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 5 та тадбир ташкил этилди. Уларга депутатлар билан бир қаторда ҳуқуқшунос, сиёсатшунослар жалб этилаётгани тадбирлар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш учун ишни етакчилар фаоллигини оширишдан бошлаш керак.

— Аввало, маълум бир масалани бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилаётганда БПТ етакчиларининг фикрларини ҳам ўрганиш керак. Умуман олганда, етакчининг таклифи эътибордан четда қолмаслиги лозим. Та-

шаббуси инobatга олиниб, амалга ошаётганини, кимдир уни қўллаб-қувватлаганини кўрган кишининг фаоллиги, жонқурлиги, ижтимоий масъулияти янада ошади.

Шунингдек, БПТ етакчилари ўртасида сиёсий билим танловлари йўлга қўйилса, баҳс-мунозаралар уюштирилса, уларнинг сиёсий маданияти юксалади, мулоқотга киришиш кўникмаси шаклланади, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ҳар бир сиёсий партиянинг салоҳиятини куйи бўғин ташаббускорлиги белгилайди. Шундай экан, дастурий мақсадларга эришиш, жамиятда партиянинг таъсир кучини ошириш учун бошланғич ташкилот имкониятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис куйи бўғин етакчилари билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий билими ва ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
Матбуот хизмати.

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ижтимоий шерикликнинг ўрни

Шунингдек, хотин-қизлардан ташаббус савол ва мурожаатларга кўра, уларга кредит ажратиш, иш бошлаши учун зарур маблағлар берилмоқда.

— Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлашда ижтимоий шериклар билан доимий ҳамкорлик яхши самара берапти, — дейди **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўтабар Қаримов**. — Хусусан, «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доирасида Зомин туманининг Каттабўғ, Ўзбекистон, Қайирма, Оқтепа каби маҳалла фуқаролар йиғинларида мониторинг ишлари олиб борилди. Уларда 5601 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Улар орасида ишсиз бўлган 238 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Тумандаги мавжуд 32 корхона ва ташкилотда қасаначилик меҳнатини ташкил этиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Ярмаркада 47 та корхона ва ташкилот 305 бўш иш ўрни билан иштирок этади. Касб-хунар коллежини битирган 47 нафар қиз иш билан таъминланди.

— Анча йиллардан буён тикувчилик билан шуғулланиб келаман, — дейди **зомилик Дилбар Эшбоева**. — ЎзХДП томонидан ўтказилаётган бир қанча тадбирларда иштирок этадим. Бугунги меҳнат ярмаркасида аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида бир қанча ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этади. Мен 2-сон «Шодлик» мактабгача таълим муассасасига йўланма олдим. Энди болаларга кийимлар тикиб беришдан бахтиёрман. Ишга жойлашшимда яқиндан амалий ёрдам берган партия ходимларига ўз миннатдорлигини билдираман.

Тадбир давомида иштирокчиларга оилавий ва яқна тартибдаги тадбиркорлик, қасаначилик меҳнатини ташкил этиш бўйича қонун билан белгиланган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида маълумот, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Фароғат ҚУРБОНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
масъул ходими.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Тарғибот — бу даъваткор сўз

юксак ғоявий таъсир кўрсатиш воситаси

ларга кенг тушунтириш, тарғиб қилишда мунтазамликка эътибор бераёلمиз.

Шунингдек, тадбирлар мавзусини танлашда мамлакатимиз ва дунёда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳисобга олинмоқда. Айниқса, тарихий бунёдкорликлар, демократик ислохотлар, инсон манфаатларини, хусусан, электротарни ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари моҳияти тарғиботига кенг ўрин ажратилмоқда.

Бугунги кунга келиб эса сайловларга тайёргарлик масаласи ҳам муҳим мавзуга айланган. Сайловга тайёргарликни фаол, ушшоқлик билан ташкил этиш ҳам тарғибот ишларимиз таъсирчанлигига боғлиқ. Хозир партиянинг туман ва шаҳар кенгашларида ўтказилаётган ҳисобот сайлов конференцияларида партия ташкилотларининг аҳоли орасида олиб бораётган мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишларининг ғоявий савияси, партиядан

сайланган депутатларнинг ўз сайлов округида олиб бораётган ишларига баҳо берилмоқда. Шунингдек, партия кенгашларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолияти таҳлил этилади.

Ушбу сиёсий тадбирлар, семинарларнинг долзарблигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишда депутатлар зиммасига катта масъулият юклатилди. Халқ депутатлари шаҳар, туман кенгашларидаги 320 нафар депутатдан 145 нафари партия гуруҳларимиз аъзолари ҳисобланади.

Депутатларнинг ўтган беш йил мобайнида ўз сайлов округларида, сайловчилар орасида олиб бораган ибратли ишлари бўлажак сайловларда янада кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга қиритишимизга замин яратди. Узининг фаоллиги, ташаббускорлиги билан сайловчиларининг ишончини оқлаётган, партиямиз дастурий мақсадларини, қо-

нунларнинг моҳиятини электротартибимиз орасида кенг тарғиб этаётган депутатлар кўпчилигини ташкил этади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан вилоят партия кенгаши томонидан «Соғлом оила — саодат бешиги» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа асосида маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларимиз аҳоли орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Уни амалга оширишда ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгашидаги тарғибот гуруҳи бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари — хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илимий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорлик қилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирлар Гулистон шаҳри, Мирзаобод, Гулистон, Сардоба туманларининг бир қатор маҳаллаларида ўтказилди. Яқинда

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Гулистон шаҳри ва Гулистон туманида 10+1 лойиҳаси доирасида ўтказилган «Соғлом болани вояга етказишга барчамиз масъулмиз» мавзусидаги тадбирлар электротар вакилларнинг эътирофига сазовор бўлди.

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг тарғибот гуруҳи иш режасига қиритилган ҳар бир сиёсий тадбир партия ташкилотларининг аниқ амалий ишлари билан ҳаммаҳан олиб борилаётган. Тарғибот гуруҳи ишида сиёсатшунос олимлар, журналистлар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, руҳшунослар, ҳуқуқшунослар фаол иштирок этмоқда.

Тарғибот — бу даъваткор сўз, юксак ғоявий таъсир кўрсатиш воситаси. Лекин сўзининг қудрати, салмоғи қундалик амалий ишларимизда ўз ифодасини топмоқ лозим. Шунда у янада таъсирчан ва фойдали бўлади.



Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби.

Кўз олдингизга келтиринг, залда одам тўла. Йилгиш бошланди. Маърузачи минбарга чиқиб, қозоғизга қараб узундан-узун маърузани ўқий бошлади. Тингловчилар дастлаб уни бироз эшитди, сўнгра қурак факт ва рақамлардан иборат маъруза уларни эриктирди. Ким мудради, ким кетаётган қимматли вақтига ачинаиб соатига кўз ташлади, бошқа биров ўз хаёллари билан банд бўлди...

Тарғиботнинг бу усули аллақачон эскирган. Бугун одамлар даврининг шиддатли нафаси, сиёсий жараёнлар, фуқаролик жамиятида кечаётган ислохотлар моҳиятини аллақачон тафаккур қилмоқда, идрок этмоқда. Бу янгиланишлар одамлар турмуш тарзини ўзгариши, ҳаёт фаровонлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилаётгани-

ни ҳар бир фуқаро ўз тақдир мисолида тушуниб етаяпти.

Шу боис аҳоли, электротар ўртасида ташкил этилаётган сиёсий, маънавий-маърифий тадбир, давра суҳбат, семинар ҳамда учрашувларнинг таъсирчанлигини янада ошириш талаб этилади. Бунинг учун партияимиз тизимида кўпроқ амалий ишларга ургу беришимиз зарур. Ўзимиз истиқомат қилаётган ҳудуд, сайлов округида аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш, электротартибимиздан ташаббус мурожаатларининг ечимини топишга хизмат қилаётгани сиёсий тадбирни аҳоли билан жонли мулоқотга айлантириш лозим.

Бугунги кунда ЎзХДП маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, партия гуруҳларининг фаолиятини, қилаётган ишлари мазмун-моҳиятини одам-

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Жамиятда ҳар бир сиёсий партия ўз гоёлари учун кураш олиб боради. Аммо бу саъй-ҳаракатлар замирида — мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар мужассам бўлиши зарур. Бунини Нидерландиядаги сиёсий партиялар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда мазкур мамлакатда 10 дан ортиқ сиёсий партия бўлиб, сўнгги йилларда асосан уларнинг 6 таси парламентда кўпроқ ўринларни кўлга киритиб келмоқда. Охириги сайловлар Нидерландия сиёсий майдонида либерал ва социал гоёлар ўртасидаги кураш қизгин кечаётганини кўрсатиб берди. Ушбу давлатда парламент икки палатадан иборат. Юқори палата, яъни сенатда 75, куйи палатада эса 150 депутатлик ўрни мавжуд. Депутатлар умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Куйи палата қонун лойиҳасини бир кундан бир ҳафтагача кўриб чиқиши мумкин. Шундан сўнг қонун лойиҳаси юқори палатага ўтказилади. Халқ қилувчи қарорни иккинчи палата чиқаради. Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар монарх томонидан тасдиқланади. Бинненхофдаги Рицарлар залида сентябрь ойининг учинчи сешанба куни икки палатанинг қўшма мажлиси бўлиши белгиланган. Бундай йиғилишлар асосан фавқулодда вазиятларда ўтказилади. Парламентдаги коалицион ҳукуматнинг тарқоқлиги натижасида муддатидан олдин сайловлар ўтказилишига тўғри келди. Унинг натижасида ҳукумат Христиан демократик партияси мағлубиятга учради. Озодлик ва демократия учун халқ партияси, Ишчи партияси ҳамда Озодлик партияси энг кўп овоз тўплашга муваффақ бўлди. Социал-демократик гоёлар учун курашаётган Ишчи партия-

си сайлов натижасига кўра, иккинчи палатада 38 ўринни кўлга киритди. Ушбу партия 1946 йилдан буён Нидерландия парламентида депутатлик ўринларини эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда партия гоёларида кўпроқ умуммамлакат манфа-



атлари юқори ўринга кўйилмоқда. Асосан партия дастурларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни энг юқори кўрсаткичга эришиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, бу борадаги нархларни минималлаштириш, шунингдек, эмигрантлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга жиддий эътибор қаратилган. Тарихга назар ташлайдиган

НИДЕРЛАНДИЯ:

Сиёсий партиялар

мамлакат ва халқ манфаатлари учун курашади

лаш бош масала сифатида кўйилди. Ишчи партияси ташкилий тизими-га эътибор қаратадиган бўлсак, ўзига хос хусусиятларни учрата-миз. Мисол учун, партия тизимида махсус илмий тадқиқот муассасаси мавжуд. У ерда партия фаолиятига дахлдор турли ил-мий тадқиқотлар олиб борилади. Шунингдек, хотин-қизлар билан иш-лаш бўлими ҳамда ёш сиёсатчиларни ўзида бирлаштир-ган «Ёш социалист-лар» бўлими таш-кил этилган. Бундан ташқари, халқаро алоқалар билан ишлаш ҳам йўлга қўйилган. Партиянинг журнали чоп этилади. Европарламентдаги Европа социалистлари партияси фрак-циясида уларнинг 7 нафар де-путати иш олиб боради. Қайд этиш кераки, партия Европа-даги деярли барча социал гоёларни кўллаб-қувватлайдиган сиёсий кучлар билан ҳамкорлик



Инсултга учрамай десангиз, кўк чой ва қаҳва ичинг!

Япониялик олимларнинг «Stroke» жур-налида эълон қилинган янги тадқиқотлари натижаларига кўра, ҳар куни кўк чой ва қаҳва ичиш инсулт хавфини 14-20 фоизга камай-тирар экан.



Улар ўтказган сўровномада ёши 45 дан 74 ёшгача бўлган 83 минг-дан ортиқ киши қатнашган. Сўров-нома қатнашчилари қаҳва ёки кўк чойни неча марта истеъмол қилишларини айтишлари лозим эди. Тадқиқотчилар қузатуви 13 йил давом этган. Маълум бўли-шича, кунига бир пиёла қаҳва ва камида 4 пиёла кўк чой ичиш эса инсултга учраш хавфини 20 фо-изга камайтириши мумкин экан. Бу ичимликлар қоннинг қуюқла-шуви олдини олади, деб қайд этишмоқда олимлар.

Олма инфарктнинг олдини олади

Буюк Брита-ниялик тибби-ёт соҳаси тад-қиқотчилари мунтазам олма истеъмол қилиш инфаркт билан боғлиқ муаммони камай-тирари, деган хулосага келиш-ди.

Тадқиқотлар натижалари олма инфарктнинг олдини олишини тасдиқлади. Маълум бўлишича, олма таркибидаги моддалар қонда холестерин даражасини ка-майтириб, инфаркт ҳосил бўли-шига йўл қўймас экан.

Нурали ОРИПОВ

Истиқлол имкониятлари

«Ўтган йили уй олдик, бу йил тўй қиламиз»

Юзлаб навоийликлар ана шундай қутлуғ ниятлар билан яшамоқда

— Кишлоқларимиз кўркак-кўрк қўшиб турган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлардан бирини олиш ниятида эдик, — дейди Навбахор туманида истиқомат қилувчи Нодира Қаҳрамонова. — Шукри, ўтган йили ниятимиз амалга ошди. Туман марказидаги «Байхо» массивидан ўзимиз орзу қилган шинам уйларнинг бирига эга бўлдик. Ёнгинамизда мактаб ва бо-ча бор. Фарзандларимизни боғчага берганимиз. Болалардан хотиржаммиз, улардан кўнглимиз тўк. Уимиз ёзда салкин, қишда иссиқ. Барча шароитларимиз етарли, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Кўчаларимиз ас-фальт, кечалари эса ёруғ. На-сиб этса сентябрь ойида ўлим Отабекжоннинг тўйини шу ховлида ўтказмоқчимиз. Бундай ёруғ ниятди киши-лар оз эмас. Жорий йилда Навбахор туманининг «Байхо» ва «Шўртпепа» массивларида намунавий лойиҳалар асо-сида яна 30 та уй қурилоқда. Дарҳақиқат, жўртимизда кишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш, аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш масаласига ало-ҳида эътибор қаратилоқда. Президентимизнинг «Кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори асосида қад рост-лаётган шинам ва кўркам уй-лар бугун барчанинг тилида. Бундай кенг кўламли ишлар Навоий вилоятининг туман ва шаҳар, овул ва гузарларида жадал суръатларда давом эт-моқда. Хусусан, ўтган йили вилоятнинг 19 та массивида 600 та намунавий лойиҳа асосидаги уй ўз эгаларига топширилди, жорий йил яна 700 уй қуриб битказилади. — Бир пайлар уйларимиз паст, кўрмисиз ҳолда эди, — дейди хатирчилик Ойша Нуриева. — Бугунги уйларни қаранг. Қирган кишининг кўзи қувнади. Болалар учун ало-

ҳида ётоқхона, меҳмонхона, ошхона... буларнинг барчаси ниҳоятда пухта ўйлаб қурил-ган. Мана шундай шинам уй-ларда яшаш бахти насиб эт-ганидан ич-ичимдан севина-ман. Бундай ишлар бунёдкор-ларига раҳматлар айтгим ке-лади. Қизилтепа туманининг 4 массивида ҳам 80 уй қури-лиши давом этмоқда. — Касбим ўқитувчи, — дей-ди тошработлик Бодом Сафарова. — Намунавий уй-лардан бирини олдик. Мен-дай оддий бир ўқитувчининг кун келиб, мана шундай имо-ратларда яшашини бундан 25-30 йил аввал биров айт-минланган. Кўчаларимиз ас-фальт, кечалари эса ёруғ. На-сиб этса сентябрь ойида ўлим Отабекжоннинг тўйини шу ховлида ўтказмоқчимиз. — Истиқлол туфайли хал-қимиз қади кўтарилди, меҳ-нати қадр топди, — дейди меҳнат фахрийси Икром ота Хайитов. — Бизнинг Учқудук-да амалга оширилаётган иш-ларни кўриб ҳайратингиз ошади. Ёшларимизга кўрса-тилаётган ғамхўрлик, қуриб берилаётган уйларни кўриб қувонасан, шу бахтли кунлар-га шукрона айтасан. Бу ютуқ-лар, ёруғ кунлар истиқлол имконияти, мустакилликнинг шарофатидир.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



РЕКЛАМА ЎРНИДА

Кредитлар — жадал ривожланиш омили

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан тарақ-қий этиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг юкс-алишида банк-молия муассасалари томонидан олиб бо-рилайётган кенг саъй-ҳаракатларнинг амалий нати-жалари ҳаётда ўз илҳомий самарасини бермоқда.

Айни шу жараёнда «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳам кенг турдаги сифатли ва тезкор банк хиз-матлари билан миқозлари манфаат-лари йўлида фаолият кўрсатиб, улар-нинг бизнес лойиҳаларини молиявий томондан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, «Агробанк» очик акция-дорлик тижорат банкининг Жиззах ви-лоят бошқармаси томонидан ҳам бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини эътироф этиши-миз мумкин. Мазкур банк бошқармаси ва фи-лиаллари томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 20 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди. Ажратил-ган кредитлар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 25 мил-лиард сўмни ташкил этиб, 3000 тага

яқин янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотла-рини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсади-да банк филиаллари томонидан 300 нафардан зиёд тадбиркор лойиҳа-ларга ажратилган жами 13 миллиард сўмга яқин кредитлар ҳисобига қўшимча 300 дан ортиқ иш ўрни ву-жудга келди. — Эрта баҳорда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида молиявий кўмак сўраб банкнинг Пахтакор фи-лиалига мурожаат қилган эдим, — дей-ди «Сара товуқ» масъулияти чеклан-ган жамияти раҳбари Эркин Ўринбо-ев. — Банк томонидан лойиҳамни ама-лиётга қийратишим учун 270 милли-он сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Натижада 10 минг бош паррандага мўлжалланган парранда-чилик комплексини қуриб, ишга ту-

ширдик. Айни пайтда 8 минг бош жўжа парвариланиб, савдо шохобчалари-га кунига 4500-5000 дона тухум етказ-иб берилмоқда. Мазкур маблағ асо-сида 12 та янги иш ўрни яратилди. — «Агробанк»нинг Зомин филиали-га ариза билан мурожаат қилган эдим, — дейди «JUICY APPLE» масъу-лияти чекланган жамияти раҳбари Икромжон Абдусатторов. — Максаси-миз банк кўмагида тумандаги 50 гек-тар ер майдонида интенсив боғ таш-кил этиш эди. Банк мутахассислари биз-несс лойиҳамизни кўриб чиқиб, 230 миллион сўм миқдорда кредит маб-лағини ажратди. Сармоя ҳисобига эрта баҳорда хориждан серунум 4 хил навдаги олма кўчатлари келтириб, ер майдонимизга эдик. Айни кунларда кўчатларимиз бир текис ўсмоқда. Хул-лас, биёбон чўл ўрнида мўъжазгина боғ барпо этдик. Жамиятимизда яна қўшимча 6 та иш ўрни ташкил этил-ди. Шунингдек, банк томонидан олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбир-корлик фаолиятига жалб қилиш бо-расида амалий ишлар олиб борил-

моқда. Жорий йилнинг 5 ойи давомида ви-лоятдаги 65 та касб-хунар коллежи битирувчиларига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун банк муассасаси то-монидан жами 638 миллион сўм миқ-дорда кредит маблағлари ажратил-ди. Бунинг натижасида 82 нафар кишлоқ ёшлари иш билан банд бўлди. Мисол учун, Жиззах тумани Учтепа кишлоқ ҳўжалиги касб-хунар колле-жи битирувчиси Саъдулла Мукум-боева нон ва нон маҳсулотлари иш-лаб чиқариш лойиҳасини амалга оши-риш мақсади учун бошқарманинг Жиззах филиали томонидан 6 мил-лион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Натижада Учтепа кишлоқ фуқаролар йиғини худудида кичик нон ишлаб чиқариш цехи ишга туширил-ди. Бугунги кунда қишлоқ аҳолиси да-стурхонига 4 хил турдаги сифатли нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, банк кре-дитлари аҳоли бандлиги ва фаровон-лигига хизмат қилмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

очиқ танловга таклиф этади

жой биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчасида жой-лашган, 277,0 кв.м. ер участкасининг до-имий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қий-мати — 234 703 сўм. 5. Урта қаватли кўп хонадонли турар-жой биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчасида жой-лашган 1 донга 339,0 кв.м. ер участкаси-нинг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, мини-мал қиймати — 287 235 сўм. Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томо-нидан тайёрланган шаҳарозлик топши-риги асосида белгиланади. Шаҳарозлик топшириги нусхаси талабгорларга тан-лов ҳужжатлари билан бирга тақдим эти-лади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажа-риш тўғрисида шартнома тузилган кун-дан бошлаб 12 ой муддатда амалга оши-рилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун талаб-горлардан бюртманомаларни матбуот-да эълон чоп этилган кундан бошлаб, (байрам ва дам олиш кунларидан таш-қари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қили-нади ва 2014 йил 11 август кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қий-матининг 10 фоизи миқдордаги зака-латни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдириши-мада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар биносида 2014 йил 12 август кuni соат 11:00 да очилади, 2014 йил 12 август кuni соат 15:00 да мазкур ҳожилик би-носида танлов голиби аниқланади. Ко-миссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор тан-лов голиби, деб топилади. Юқоридаги ер участкасининг до-имий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 12 ав-густдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил-нинг 19 август кuni соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 18 август соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бу-хоро шаҳар ҳожилиги биносида 2014

йил 19 август кuni соат 11:00 да очила-ди, 2014 йил 19 август кuni соат 15:00 да мазкур ҳожилик биносида танлов голиби аниқланади. Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мав-жуд эмас. Танлов ташкилотчиси «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов ташкилотчисининг маънавий: Бухоро вилояти, Бухоро ша-ҳар, Мустанқиллик кўчаси, 10-уй. Тел/факс: (+99893) 960-69-00 электрон поч-та: www.bgr.gl.uz. Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади: — юридик шахслар — давлат рўйхати-дан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳно-ма нусхаси, шунингдек, ваколатли ва-килнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳуж-жат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжат-

ларида белгиланган тартибда расмий-лаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нус-хаси (якка тадбиркор сифатида фао-лият юриятган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), тан-ловда ваколатли вакил қатнашганда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганини тасдиқ-ловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабгорига му-вофиқ тузилиб муҳрланган, конвертлар-га жойлаштирилган икки нусхадаги тан-лов таклифлари. Такдим этилган ҳужжатларнинг бар-ча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг мух-ри ва ваколатли шахсининг имзоси бил-ан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатлари олиш учун тўлов-лар ва закалат пулини тўлаш учун тан-лов ташкилотчисининг банк реқвизитла-ри: ДТ «Халқ банки» Бухоро филиали, х/р: 2020800060251607001, МФО 00116, СТИР 302668377. Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маъ-лумот олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустан-қиллик кўчаси, 10-уй. Хизматлар лицензияланган № FL 0171.

Янги компрессор станцияси ишга тушди

50 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди

Сўнгги йилларда юртимиз кўчаларида миллий автомобилларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, олдимизга автомобиль ёқилғи ресурслардан унумли фойдаланиш, экологик мусоффоликни асраш ҳамда тежамкор ёқилғи турларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш масалаларини кўндаланг қўяди.

Шу маънода, мамлакатимизда ҳам альтернатив автотранспорт ёқилғиси сифатида табиий газдан фойдаланиш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Хукуматимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида sanoatni rivojlan-tirish dasturi» да автотранспорт воситаларини газ баллон ускуналарига ўтказиш бўйича 5 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. 2016 йилга қадар Ўзбекистонда 400 га яқин янги автомобилларга газ тўлдир-иш компрессор станциялари ташкил қилинади ва газ ёқилғисидан фойдаланаётган автомобиллар салмоғи жами автомобиллар паркиннинг 30 фоизини ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-

ли моддаларни камайитириш мақсадида 200 мингга яқин автотранспорт воситалари газ ёқилғисидан фойдаланишга ўтказилган.

Юртимизда яратилган кенг имкониятлар туфайли ушбу соҳага «UNG-Dong Ho Gascom», «UB Energy», «Blitix Co», «Intermobilgaz» каби чет эл сармоядорлари иштирокида ташкил қилинган корхоналар мамлакатимизда газ ёқилғиси ускуна ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ва автомобиль эгаларига етказиб бериш билан шуғулланоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобиллари газ билан тўлдир-иш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сикланган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 30-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида яқинда пойтахтимизнинг ҳамма тумани, Охангарон шох кўчасида замонавий, жаҳон андозларига тўлиқ жавоб берадиган автомобилларга газ тўлди-



Санжар ШОТУЛГАНОВ олган суратлар.

риш компрессор станцияси фаолиятини бошлади.

Хорижий ҳамкор — дунёдаги етакчи компаниялардан ҳисобланган Италиянинг «M.T.M. BRC Gas Compressors» мутахассислари билан биргаликда лойиҳалаштирилган ушбу мажмуа «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий ёрдами билан амалга оширилди. Айти пайтда, компаниянинг Массимилиано Фиссеро, Пьер Луиджи Стаппино, Николо Раноулду, Андреа Боа, Ахмед Зенун ва Жавани Берназзаллардан иборат мутахассислар гуруҳи ушбу компрессор станциянинг инновацион муҳандислик жиҳозлари ва ускуналарининг сифатли ишлашини мониторинг қилиб турибди. Шунингдек, улар ёш маҳаллий мутахассисларга ўз билим ва тажрибалари билан ҳам кўмаклашмоқда.

— Италиянинг Чераско шаҳрида жойлашган «M.T.M. BRC Gas Compressors» компаниясида «компрессор станцияси оператори» мутахассислиги бўйича малакамани ошириб келдим, — дейди корхона мутахассиси, Тошкент ахборот технологиялари ва компьютерлаш коллежи-

нинг битирувчиси Жавоҳир Мирросупов. — У ерда мен «Лойиҳалаш», «Ишлаб чиқариш», «Йиғиш», «Тест ва синов», «Логистика», «Ташқи иқтисодий алоқалар ва молия» департаментларида ҳам бўлиб, мазкур компаниянинг кенг қамровли фаолияти билан имкон қадар тўлиқроқ танишдим. Эндиликда ўз тажрибаларимни бу ерда ишга солялман, тенгдошларимга ҳам ўргатмоқдам.

Компрессор станциясининг фаолият кўрсатиши натижасида «компрессор станцияси оператори», «инновацион техника бошқаруви менеджери» каби янги, замонавий касб турлари пайдо бўлди, 50 нафарга яқин маҳаллий ёш иш билан таъминланди.

Бирон бир янгилик ёки янги лойиҳа тўғрисида фикр юритилганда, унинг истъмоли, жамият, қолаверса, давлат учун қанчалик фойдали эканлиги ҳисобга олинади. Истеъмолчилар орасида олиб борилган сўровномаларга кўра, метан газ ёқилғиси ҳар хатдан, яъни қулайлиги, афзаллиги, тежамкорлиги билан ажралиб туриши яна бир бор ўз исботини топди. Авваламбор, нархи арзон. Қолаверса, компрессия метан газ

ёқилғисининг бошқа ёқилғи турларидан қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, булар: атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддаларнинг камлиги; тўлиқ ёниш натижасида табиий газда ҳаракатланаётган автомобиль воситалари зарарли газлар ва кўрғошин моддалари бирикмалари бўлган ҳаёт учун хатарли моддаларни, ис газларини чиқармаслиги; азот оксидлари табиий газ таркибида бўлмаганлиги сабабли ис ва кислотали ёмғирлар пайдо бўлмаслиги кабилардир. Шунингдек, табиий газ (метан) ёқилғиси ишлатилганда углеводород чиқиндиларини касб турлари пайдо бўлди, 50 нафарга яқин маҳаллий ёш иш билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, мана шундай қулайлик, тежамкорлик, янгиликка асосланган лойиҳалар, у ҳош ишлаб чиқариш соҳаси бўлиши, ҳош хизмат кўрсатиш йўналиши бўлиши, жамият, эл-юрт равнақиға, миллий иқтисодий-ётимиз тараққиётига хизмат қилади.

Муртазо СУЛТОНОВ,
«Intermobilgaz» компанияси
директорлар Кенгаши
раиси.

Самарқанд «Албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари» рўйхатида

2014 йил 7 июль кунини Американинг таниқли «The Huffington Post» нашри «Албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари» рўйхатини чоп этди.

Дунёнинг энг машҳур шаҳарлари орасида Шарқнинг марвариди — Самарқанд ҳам мавжуд. Мазкур нашр рейтингига қайд этилганидек, «Регистон майдони» даги мадрасалар ва қадимги иншоотлардаги нақшлар «Буюк Ипак йўлининг кўҳна шаҳри — Самарқандни жаҳон ислом меъморчилигининг энг гўзал намуналаридан бирига айлантирган».

Ушбу рейтинг «The Huffington Post» нашри томонидан minube.net саёхатчилар ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликда тuzилган. Мазкур рейтингдан кўзланган мақсад «буюк кўҳна пойтахтлардан тортиб то Осиё, Америка ва улардан ташқарида Ердаги энг аъло жойини топиш» билан изоҳланади. Рейтинг муаллифларининг фикр билдиришларича, одамлар ўз ҳаёти давомида, албатта, бориб кўриши лозим бўлган қадимжолар рўйхатидан дунёнинг 50 шаҳари жой олган.

Самарқанд — МДХ мамлакатлари шаҳарлари ўртасида ушбу нуфузли рўйхатга кирган ягона шаҳардир.

«Жаҳон» АА

КАРОР ВА ИЖРО

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди республика ҳўжалик судлари тизимида олиб борилаётган суд-ҳўқуқ ислохотларини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилган «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган кўрик-танлов давом этмоқда.

Танловга республика миқсисдаги газета ва журналларда суд-ҳўқуқ соҳасидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳўқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг ҳўқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳўқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар қабул қилинмоқда.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар Олий ҳўжалик суди Матбуот котибига тахририят ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга учта ва ундан ортиқ мақола билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақолалар муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2014 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар қабул қилинади. Танлов 25 декабрда якунланиб, голиблар матбуотда эълон қилинади.

Танлов голиблари:

1-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 1-даражали дипломи ва 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорда пул мукофоти;

2 та 2-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2-даражали дипломи ва 700 000 (етти юз минг) сўмдан, жами 1 400 000 сўм миқдорда пул мукофоти;

3 та 3-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 3-даражали дипломи ва 500 000 сўмдан, жами 1 500 000 сўм пул мукофотлари билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Олий ҳўжалик суди биноси.

Телефон: 277-94-82, электрон почта PRESS@OXS.uz

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига тақлиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.

Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узук масофали радиоуайтирилгичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоуайтирилгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

- БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:**
- Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 120-30-22.
 - Андижон шаҳри, Чўлпон шох кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.
 - Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.
 - Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.
 - Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.
 - Қарши шаҳри, 62-хонадон, тел: 230-64-78.
 - Навоий шаҳри, Амир Темури кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
 - Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
 - Самарқанд шаҳри, Колбоғ п/б, ТРНС, тел: 230-64-80.
 - Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
 - Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
 - Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
 - Урганч шаҳри, Нажмиддин Қубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

ОБ-ҲАВО 12-13 — 07. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+20 / +25
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+20 / +25
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+20 / +25
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+20 / +25
Тошкент шаҳри	+21 / +23



Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+19 / +21
Париж	+20 / +21
Москва	+21 / +21
Мадрид	+27 / +27
Пекин	+36 / +32
Канберра	+6 / +8
Рим	+25 / +26
Афина	+34 / +34
Токио	+30 / +30
Стокгольм	+23 / +21
Кейптаун	+19 / +20
Қоҳира	+37 / +37
Гавана	+33 / +30
Вашингтон	+31 / +30

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари билан тахририят жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Орифжон Иброҳимовга турмуш ўртоғи Хайринисо ИБРОҲИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11713
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 23.15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon BUKIROV,
Zafar TANG'AYEV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5